2022 ЙИЛ – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 1
(6001)
2022-yil
7-yanbar
JUMA

Gazetaning QR-kodi

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi / 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2021 йил 30 декабрь куни Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгашининг олтинчи чақириқ ўттиз олтинчи сессияси бўлиб ўтди.



Унда Халқ депутатлари туман кенгашига сайланган депутатлар, тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Сессия кун тартибига мувофиқ, 2022 йил учун Зангиота туманининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш ва 2022 йилда Давлат солиқ инспекцияси томонидан туманда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш, “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда “Темир дафтар”да турган ногиронлиги бўлган 3 нафар фуқароларнинг вафот этганлиги муносабати билан “Темир дафтар”дан чиқариш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Сессияда кўрилган масала юзасидан туман Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Президентимизнинг 2022 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригини катта қизиқиш билан кузатдим.

ИШОНЧ БИЗГА КУЧ БАҒИШЛАЙДИ

Таъкидланганидек, 2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили ҳаётимизда ёрқин из қолдирди. Йил давомида улкан ишлар амалга оширилди. Пандемия ва глобал инқирозга қарамасдан, юртимизда юқори иқтисодий ўсиш таъминланиб, жойларда кўплаб саноат корхоналари, кластер ва технопарклар, замонавий инфратузилма тармоқлари барпо этилди. Янги-янги уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳ ва шифохоналар, маданият ва спорт масканлари фойдаланишга топширилмоқда.

Амалга оширилаётган кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, Янги Ўзбекистоннинг бетакрор қиёфаси шаклланмоқда. Ушбу эзгу мақсадларни янада ривожлантириш мақсадида ўзида “Инсон қадри учун” деган улуғвор ғояни мужассам этган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, табрикда Президентимиз томонидан 2022 йилни мамлакатимизда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилиш таклиф этилди. Дарҳақиқат, инсон қадрини улуғлаш деганда юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш бирдек тушунилади. Давлатимиз раҳбари бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутишини таъкидлаб ўтди.

Маҳалла тизими жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўғини ҳисобланади. Шу боис, кейинги йилларда жамиятда унинг мавқеи янада оширилиб, ваколатлари кенгайтирилди. Боиси, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади, маҳалла обод бўлса, мамлакат ҳам обод бўлади.

Табрикни эшитар эканман, беихтиёр ўтган йилда амалга оширилган фаолиятимиз кўз олдимдан ўтди. Жумладан, туман ҳокимлиги ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ташаббуси билан маҳалламиз биносининг янги, замонавий қиёфада қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳудудимиз аҳолисига чинакам байрам совғаси бўлди.

Бугунги кунга келиб аҳолимиз уч минг нафардан ошди, оилалар 850 тага, хонадонлар эса 500 тага яқинлашди. Яширишнинг ҳожати йўқ, маҳалламизнинг аввалги мослаштирилган биносида ишлаш бирмунча ноқулайликлар туғдирар эди. Ҳозир бешта кенг ва ёруғ хонандан иборат янги бинода аҳоли билан барча тадбир ва учрашувларимиз беками-кўст ўтказмоқдамиз.

Жорий – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида ҳам фаолиятимиз самарадорлигини ошириш, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида бор куч-ғайратимизни ишга соламиз, албатта.

Умид АҲМЕДОВ,
“Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

11 январь – Қўриқхоналар ва миллий боғлар куни



ТАБИАТНИ АСРАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Бугунги кунда экология билан боғлиқ муаммолар глобал кўриниш касб этаётгани сир эмас. Албатта, инсоният тамаддунининг барча босқичларида сайёрамиз табиий бойликлари, ҳайвонот ва набодот олами инсон ҳаётий фаолияти учун зарур эҳтиёж манбаи бўлиб келган.

Дарҳақиқат, инсоният олдидаги долзарб вазифалардан бири – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, флора ва фауна оламини асраб-авайлаш, глобал экологик инқирозга йўл қўймаслик ҳисобланади.

(Давоми 2-саҳифада)

Маълумки, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, аҳоли турмуш тарзи ва фаровонлигини янада яхшилаш – бугун ҳар биримизнинг устувор вазифаларимизга айланиб улгурди.

КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ



Коррупция бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, ҳозирги кунгача етиб келганлиги шундан далолат беради, бошқа иллатлар каби, уни ҳам таг-туги билан йўқотиб бўлмайди. Ҳатто, ривожланган ғарб давлатлари ҳам коррупциядан буткул ҳалос бўлолмаган. Бироқ, жамият ривожига хавф солувчи коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш Ер юзидаги барча давлатларда ҳамиша ва ҳамма замонда давом этган.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ бир қатор муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Президентимиз томонидан 2017 йил 3 январда имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ҳам айни шу масалаларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади юртимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тўлиқ тартибга солишдан иборат.

(Давоми 2-саҳифада)

УШБУ СОНДА:

“Тезкор штаб”
ДОИМИЙ НАЗОРАТДА



ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!



ЯНГИ ЙИЛ МАШМАШАСИ



ISTIQBOL
2022-yil 7-yanvar Juma // № 1 (6001)

“Тезкор штаб” фаолиятидан

ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Штабнинг асосий вазифаси – аҳолидан келиб тушадиган мурожаатларни тезкор равишда бартараф этиш чораларини белгилаш ва амалга оширишдан иборатдир.

Жорий йилнинг 15 январига қадар фаолият олиб борувчи мазкур Штаб томонидан аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш, бозорларда озиқ-овқат ва истеъмол товарларининг танқислигига йўл қўймаслик, нарх-навонинг ошиб кетмаслиги доимий равишда таъминланади. Маданий ва кўнгилочар тадбирларнинг хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши, қиш мавсумини беталафот ўтказиш, коммунал хизматларнинг узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муассасаларнинг кучайтирилган тартибда, санитария ва пандемия қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритишини ташкил этади.

Об-ҳавонинг кескин ўзгариши туфайли коммунал соҳаларда кўплаб муаммолар юзага келишини инобатга олиб, қиш мавсумини беталафот ўтказиш ҳамда вужудга келган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлигида узлуксиз куну-тун фаолият юритувчи навбатчилик “Тезкор штаб” ташкил этилган.







Булардан ташқари, бугунги кунда Штаб томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб тадбирларни ўз вақтида амалга оширилиши таъминланиб, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятининг тўхташига йўл қўймаслик, “маҳаллабай” ишлаш, ҳоким ёрдамчилари фаолияти тизимли ташкил этилмоқда.

Шу кунгача “Тезкор штаб”га ---------- мурожаат тушган бўлиб, уларнинг барчаси мутасаддилар эътиборида бўлиб, махсус ишчи гуруҳлари томонидан ўз вақтида бартараф этилди.

Д.ШАРИПОВА.

Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сонли Фармонига асосан жорий йилнинг 1 январидан бошлаб туманимиздаги мавжуд 72 та маҳаллада туман ҳокимининг Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ёрдамчилари иш бошлади.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифалари маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, жумладан, аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил этиш, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари, доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш ҳамда ўқишни тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам беришдан иборатдир.

Улар биринчи навбатда, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш, аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш каби энг усувтор масалаларга эътибор қаратадилар.

Шунингдек, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашадилар.

Ҳоким ёрдамчилари ишга киришишдан олдин маълум муддат уларга семинар-тренинглар ўтилиб, вазифалари тушунтирилди.

– “Аҳилобод” маҳалласида иш бошладим, – дейди Асия Кутайбергенова. – Жуда илиқ кутиб олишди. Маҳалла раиси дуо қилиб, иш дафтари тақдим этгани қалбимга илиқлик бахш этди. насиб этса, зиммамга юкланган масъулиятли вазифаларни уддалаб, “Аҳилобод”ни тумандаги энг намунали маҳаллалар қаторидан жой олишига ҳаракат қиламан.

Ҳа, Зангиотада иш бошлаган ҳар бир ҳоким ёрдамчилари ана шундай эзгу мақсад билан иш бошлашди.

Дилбар ШАРИПОВА.

Қишки таътил

МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

Туманимиздаги барча умумтаълим мактабларида 2021 йил 28 декабрдан 2022 йилнинг 10 январига қадар қишки таътил кунлари белгиланган бўлиб, бу давр оралиғида ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида махсус режа ишлаб чиқилди.



Мазкур режа асосида ўқувчиларни Тошкент шаҳридаги музей, театр, кўнгилочар ўйингоҳлар ва ҳайвонот боғига ташрифлари ташкил этилмоқда.

Туман марказидаги боғда ташкил этилган “Янги йил” арчаси тадбири ҳам ниҳоятда қизиқарли бўлиб, унда иштирок этаётган ўқувчиларга манзур бўлмоқда.

Бундан ташқари тумандаги 38 та умумтаълим мактабларининг барчасида ўқувчиларни қизиқишлари бўйича фан, таълим ва спорт, мусиқа тўгараклари фаолият олиб бормоқда. Яъни, бешта муҳим ташаббус доирасида ташкил этилган ушбу тўгараклар ўқувчилар учун ниҳоятда фойдали бўлмоқда.



Қишки таътил ана шундай мароқли ва мазмунли ўтмоқда.

Дилбар ИНОҒОМОВА,
туман Халқ таълими бўлими шўъба раҳбари.

КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Шунингдек, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур”, деб таъкидлаган эди.

2020 йилги “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг 53-бандига кўра, Давлат раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди ва мазкур ҳужжат билан янги орган – Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

агентлиги ташкил этилди.

Шу ўринда мамлакатимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун қуйидаги жавобгарликлар белгиланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жиноят кодексининг 205-моддасида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, 206-моддасида ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, 209-моддасида мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, 208-модда ҳокимият ҳаракатсизлиги, 210-модда пора олиш, 211-модда пора бериш, 212-модда пора олиш-беришда воситачилик қилиш, 214-модда Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши каби жиноятлар содир этганлик учун қатъий жиноий жавобгарлик белгиланган.

Албатта, коррупуцияга қарши самарали курашда дунёнинг тараққий этган давлатларининг илғор тажрибасини ўрганиш ва миллий амалиётга татбиқ этиш муҳим ўрин тутади. Бу борада Нидерландия дунёда коррупция даражаси энг паст давлатлар қаторига киради. Коррупциявий ҳаракатлар учун асосий жазо – давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқидан ва барча ижтимоий имтиёзлардан маҳрум бўлишдир. Шунингдек, жарима ва ўз вазифасидан вақтинча четлатиш жазоси ҳам қўлланилади.

Шунингдек, Германияда муайян функциялардан қатъи назар, давлат хизматчилари



ўз вазифаларини бутун жамият манфаатлари учун ҳолис ва адолатли бажариши шарт. Мазкур мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг биринчи вазифаси расмий сирларни сақлашдан иборат. Давлат хизматчиси, шунингдек, ўз фаолияти давомида унга маълум бўлган маълумот ва ҳақиқатларни сир сақлаши талаб этилади.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши белгилаб қўйилган.

Мухтасар айтганда, коррупция – тараққиёт кушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноятдир. Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнингина эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз.

Саидаҳрор УМАРОВ,
Тошкент вилояти суди судьяси.
Алишер НУРМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича туман суди судьяси.

ISTIQBOL
2022-yil 7-yanvar Juma // №1 (6001)

ТАБИАТНИ АСРАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ



Маълумки, табиатда турларнинг ривожи бамисоли занжирдек бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар ўзаро яхлит экотизимни ташкил этади. Ҳатто, бир гиёҳнинг йўқолиши ҳам яшил оламнинг мувозанати бузилишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Табиатнинг ноёб флора ва фаунасини муҳофазалаш, бундай ҳудудларни кенгайтириш мақсадида сайёрамизда 11 январь – Қўриқхона ва миллий боғлар куни сифатида нишонланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи бир қатор қонун ҳамда 30 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мафтункор юртимизда ўсимликларнинг 4 ярим мингга яқин тури ўсади. Биологик ва ландшафт ранг-баранглиги ҳам асосий миллий бойликларимиздан саналади. Умуртқали ҳайвонларнинг фаунаси 105 турдаги сут эмизувчилар, 441 турдаги қушлар, 60 турдаги судралиб юрувчилар, уч турдаги ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшайдиган жониворлар ва 76 турдаги балиқларни ташкил этса, умуртқасизлар фаунаси ўн беш минг турга етади.

Бетакрор табиатимиз ва ундаги биохилма-хилликни тўлиқ муҳофаза этиш, уларни қайта тиклаш ва кўпайтириш ишлари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда амалга оширилмоқда. Республикамизда 8 та давлат қўриқхонаси, 2 та миллий табиат боғи, 1 та давлат биосфера резервати, 13 та давлат буюртмахоналари, 7 та давлат табиат ёдгорлиги ва ҳайвонларни кўпайтиришга мўлжалланган 3 та табиий питомник фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 83 та маҳаллий аҳамиятга эга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мавжуд. Бу ҳудудларда миллий ҳамда халқаро “Қизил китоб”га киритилган 181 турдаги ҳайвон, 400 турдаги ўсимлик давлат муҳофазасига олинган.

Атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган вазифаларни бажаришда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, республикамизда экологик муаммолар ва атроф-муҳит муҳофазасидаги лоқайдликларга барҳам бериш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштирокининг фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш, бу борада қабул қилинган қонунлар ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш Қўмитанинг бош мақсадидир.

Мухтасар айтганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, келажак авлодга табиий бойликларни етказиш, экологик муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга ҳисса қўшиш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ботир ПАЙЗИЕВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Зангиота тумани инспекцияси бошлиғи.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳурматли жамоамизнинг моҳир механизатори Расул ҚУРБОНОВ!

Сизни қутлуғ

60 ёшингиз

билан чин кўнгилдан табриклаймиз.



Яратгандан мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахту саодат ҳамда неваралар ардоғида узоқ йиллар умргузаронлик қилишингизни тилаймиз.



“НАВРЎЗ-ҚАТОРТОЛ” ММТП жамоаси.

Эслатма

ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ис гази табиий газдан ташқари, кўмир ва бошқа органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳам пайдо бўлади.



Ушбу газ нафас йўллари орқали организмни, хусусан, марказий асаб тизимини зарарлайди. У гемоглобин билан боғланиб кислородга нисбатан 300 маротаба кучли бирикма – карбоксигемоглобин ҳосил қилади.

Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипокцияга, оғир ҳолатларда эса – анокция ва ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда бош қаттиқ оғрийди, айланади. Қусиш, ҳушдан кетиш кузатилади ҳамда нафас олиш секинлашади.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун, аввало, заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш ва тез ёрдам чақириш зарур. Тез ёрдам етиб келгунча юзаки нафас олишда ёки нафас олиш тўхтаб қолганида сунъий нафас олдириш лозим.

Ҳурматли фуқаролар, бундай салбий оқибатларнинг келиб чиқишига йўл қўйманг. Ис газидан заҳарланишдан ҳамиша огоҳ бўлинг. Газ таъминотида юзага келган носозлик ва камчиликлар юзасидан “Зангиотатумангаз” таъминоти бўлими “Авария диспетчерлик” хизматининг (+99870) 975-26-01 ёки 104 телефон рақамларига мурожаат этинг.

Азиз тумандошлар, шу ўринда барчангизни табиий газдан заҳарланиш ва чақнаш билан боғлиқ кўнгилсиз вазиятларнинг олдини олиш ҳамда юзага келиш омилларини бартараф этиш тадбирларида огоҳлик ва фаолликка чақирамиз.

Абдувосиқ ҲАКИМОВ,
“Зангиотатумангаз” газ таъминоти бўлими Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги етакчи муҳандиси.

ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ?..

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб давлат органлари томонидан аҳолидан, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларидан қуйидаги маълумот ва ҳужжатларни:

тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома маълумотларини;

лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома мавжудлиги бўйича;

давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганлиги тўғрисидаги;

қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операциялар, дивидендлар олинганлиги тўғрисидаги;

кам таъминланган оила ёки оила аъзоси сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги;

жисмоний шахслар томонидан тўланган ва олинган алиментлар тўғрисидаги;

олий маълумот тўғрисидаги диплом маълумотларини;

жисмоний шахс умумий ўрта таълим (11-синф негизида)ни, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги;

фуқаро “Ёшлар дафтари” ёки “Аёллар дафтари”да мавжудлиги тўғрисидаги;

ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисидаги;

олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзга эга бўлган абитуриентларнинг имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги;

ижтимоий нафақа ва пенсиялар тўланганлиги тўғрисидаги;

молиявий ҳисоботлар нусхаларини;

жисмоний шахсларнинг охирги 12 ойдаги иш ҳақини тасдиқловчи маълумотномаларни талаб қилиш бекор қилинди.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда, ишга қабул қилиш жараёнида ва бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда юқоридаги ҳужжат ва маълумотларни белгиланган масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олади.

Ҳ.ЖЎРАЕВ тайёрлади.

Азиз газетхонлар!



Қадрдон газетангиз –

“ISTIQBOL”га

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!



Обуна газета таҳририятида расмийлаштирилмоқда.

Обуна Сиз истаган усулда – нақд тўлов (банк орқали), пластик карточка ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бизнинг ҳисоб рақам: ЧЭКИ “Савдогарбанк” Зангиота филиали.
Ҳ/р: 20210000600190886001, МФО: 00414, ИНН: 200580484, ОКОНХ: 87100.

Мурожаат учун телефон: +998 70 97-53-286.

Мактабгача таълим ташкилотлари ДИҚҚАТИГА!

Мактабгача таълим вазирлигининг мактабгача таълим ташкилотлари, бошқа вазирлик ва идораларнинг мактабгача таълим ташкилотлари, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар лицензия асосида нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 1-maktabgacha ta’lim shakli yillik (мактабгача таълим ташкилотининг 2022 йил 1 январь) ҳолатига статистик ҳисоботини 2022 йилнинг 18 январидан кечиктирмай “eStat-4” автоматлаштирилган онлайн тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Зангиота тумани Статистика бўлими.

ISTIQBOL
2022-yil 7-yanvar Juma // № 1 (6001)

Байрам ҳажвияси

ЯНГИ ЙИЛ МАШМАШАСИ



Бердимурод кечки овқатга аёлига қайнатма шўрва тайинлаб, ўзи уч ҳовли нарида яшайдиган дўсти – Собирникига отланди. Кечга яқин ҳаво совий бошлагани учун қалин тўнини кийди. Икки ўғли ва қизи байрам дастурхонини безаш билан овора. У эшикдан чиқар-чиқмас, аёли гапириб қолди:

– Дадаси, дарров қайта қолинг-а?!

– Ҳа, ҳа, – бошини қимирлатди Бердимурод, – Янги йил билан табриклаб келмасам бўлмайди. Бораман-у қайтаман.

Дарвоза олдида дўстини кўрган Собир ҳам, аёли ҳам хурсанд бўлиб кутиб олди. Ширин тилак, яхши ниятлар айтилди. Сал ўтмай хонага гуриллаб қўшнилари кириб келди.

Бердимурод аҳил қўшнилар билан яна олди. Бир соатча ўтиб, қўшнилар қўярда-қўймай Собирни ҳам, Бердимуродни ҳам ўзлари билан олиб кетишди.

Ҳамма қизиғи ҳам, ёмони ҳам шу хонадонда юз берди. Куни билан югур-югурда бўлган Собир чарчаган эканми, ё ҳалиги савил ошиб кетдими бурчакдаги ёстиққа бош қўйди-ю ухлади-қолди. Меҳмондорчилик эса давом этар, давра қизигандан-қизиб борарди. Бу орада ҳовлида машина сигнали эшитилиб, хонадон эгасининг қўшни қишлоқдаги қудалари келиб қолди. Уй эгаси хурсанд, қудаларини қўшниларга, қўшниларни қудаларига таништираркан, зиёфат авжига чиқди. Зиралаб пиширилган димлама, қазили ош, қип-қизил жўжа кабоб билан тўрт-беш шиша ҳам думалаб қолди. Ким-кимнинг меҳмони экани билинмай, ҳар ким ёнида ўтирган одам билан улфат бўлди.

Ниҳоят, ярим тунда меҳмонлар қўзғалди. Бу пайтда тўрдаги икки-уч киши яхшигина хуррак отиб ухларди. Бутунлай маст бўлиб қолган Бердимуродга кимдир даҳлиздаги кийим илгичга илинган пальто билан телпакни кийгизди. У оёғини зўрға босар, қаёққа кетаётганини англай олмасди. Икки киши қўлтиғидан олиб, машинага ўтқизди. “Уйга машинада борарканман-да!” – деган ўй келди хаёлига ва яна пинакка кетди. Машина анча юргач, қандайдир ҳовли ёнида тўхтади.

– Янга, хўжайинингиз сал чарчабди, хавотир олманг, – шундай деб улфатлар жўнаб кетди. Деразадан эрининг пальтоси билан телпагини таниган аёл хотиржам болаларини ухлата бошлади.

Эрталаб боши оғриб уйғонган Бердимурод хонадаги жиҳозларни кўриб: “Собир мебелларини янгилабди-да”, – деб қўйди. Уйдагиларга нима дейишини ўйлаб ётган эди, эшик очилиб кимдир келди-да, уни туртди:

– Ҳой дадаси, туринг энди! Пальто билан ухлаб қолибсиз…

Бердимурод нотаниш овозни эшитиб, аста ўша томонга бурилди. Уни кўриб аёл бақира бошлади:

– Кимсан?! Эрим қани?..

– Сиз кимсиз? – ранги оқариб сўради Бердимурод.

Аёл бўлса, борган сари авжи келиб бақирарди:

– Эрим қани?.. Устингдаги пальто билан телпак эримники-ку?!

Шундай деганча аёл югуриб чиқиб кетди.

Ташқарида оёқ товушлари эшитилди. Бердимурод қўрқа-писа ҳовлига чиқди. Бутунлай нотаниш жой. Қаерга келиб қолди? Кимнинг уйи бу ер? Шу пайт дарвоза очилиб ҳалиги аёл билан икки йигит кўринди:

– Сиз кимсиз? Бизнинг поччамиз Шукур ака қани?

Йигитларнинг важоҳати ёмон эди. Бердимурод ҳеч нарсани эслай олмасди. Бу чувалган масалага аёлнинг кейинги гапи ойдинлик киритгандай бўлди:

– Кеча дадаси қудамизникига кетганди…

– Қудангиз ким?..

– Нариги қишлоқдаги Толиб ака!

– Ҳа, эсладим, – пешонасини қашлади Бердимурод. – Олдин Собирникида ўтирдик, кейин Авазникида, кейин Толиб аканикига ўтгандик. У ерда ухлаб қолибман, кейин нима бўлганини билмайман…

* * *

Машинада кетишар экан, Бердимуроднинг боши эгилган эди. Йигитлардан бири шўхроқ экан, кулгидан тўхтамасди:

– Бу дейман, Янги йил байрами зўр бўлибди-да, дублёр почча?

– У нима деганингиз?..

– Шукур почча – ҳақиқий поччамиз. У киши бўлмаса, дублёр составдан сизни почча дерканмиз-да!

Машина ичи кулгига тўлди. Толиб аканикига келишганда уй эгаси, Шукур, Собир ўтиришганди.

– Бердимурод, қаёқларда юрибсан, болаларинг икки марта сўраб кетишди? Лекин айни вақтида келдинг-да, кечагидан қолган экан, шуни ҳам бирйўла енгиллатайлик, деб тургандик.

– Йўқ, йўқ, – деди Бердимурод бошини силкитиб. – Мана, пальтонг билан телпак. Тўнимни узатвор, уйга кетаман. Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади, яна бир марта дублёр бўлгим йўқ.

Чунки энди Бердимуродни уйида қандай томоша бўлиши ўйлантираётганди…

Манба: ***hordiq.uz***

Қилмиш-қидирмиш

УДДАБУРОН ОҒУФУРУШ ФОШ БЎЛДИ

Гиёҳвандлик – жиноятчилик билан боғлиқ ҳодисадир. Гиёҳвандлик воситаларини қўлга киритиш, тарқатиш, сотиш, ҳаттоки, наркотик моддаларни қабул қилиш таъсири остида ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш жиноят ҳисобланади.

Ўтказилаётган тезкор тадбирлар давомида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар фош этилиб, кескин чоралар кўрилаётган бўлса-да, ўзи ва ўзгалар ҳаётини заҳарлашдан тийила олмаётган баъзи фуқаролар учрамоқда.

Фуқаро Ф.Базарова ва С.Асатовлар ҳам шундайлардан бири бўлиб чиқди. Улар олдиндан жиноий тил бириктириб, тергов жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Сурхондарё вилоятида яшовчи “Отабек”нинг олдига боришади. Улар келишувга асосан 37 дона гугурт қутичасига солинган оғунинг ҳар бир қутисини 400 минг, жами 14 миллион 800 минг сўмга харид қилиб, мўмай даромад олиш мақсадида Тошкентга йўл олишади.

2021 йилнинг 12 март куни ўтказилган тезкор тадбир давомида пойтахтдаги Чилонзор буюм бозори йўл четида кетаётган ушбу фуқаролар тўхтатилиб, уларнинг қўл юклари гумонланиб холислар иштирокида текширилган вақтда Ф.Базарованинг қўлидаги сумкада сотиш учун олиб кетилаётган 37 дона “Спички” номли гугурт қутиларига солинган соф вазни 189,9 грамм бўлган “марихуана” гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан ҳар икки шахсга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жазо чоралари қўлланилди.

Бу борадаги ҳолатларни келтиришдан муродимиз шуки, жиноятга жазо муқаррарлигини таъкидлаш билан бирга, оғу исканжасидаги кимсаларни жирканч иллат қутқусидан қутулишга чорловдир.

Обиджон ЗОИРОВ,
туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси, подполковник.

2022 йил календари

ЯНВАРЬ | 01

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
27	28	29	30	31	1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

ФЕВРАЛЬ | 02

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
	1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28						

МАРТ | 03

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
	1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30	31			

АПРЕЛЬ | 04

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	

МАЙ | 05

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

ИЮНЬ | 06

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30			

ИЮЛЬ | 07

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

АВГУСТ | 08

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				

СЕНТЯБРЬ | 09

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

ОКТЯБРЬ | 10

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

НОЯБРЬ | 11

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
	1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30				

ДЕКАБРЬ | 12

Ду	Се	Чо	Па	Жу	Ша	Як
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Nashr uchun mas’ul:
Dilbar SHARIPOVA

Tahririyat manzili:
Eshonguzar qo‘rg‘oni, Hokimlik binosi.
Telefon: 70-97-53-286.
Gazeta haftaning juma kuni chiqadi. Hajmi 1 taboq, qog‘oz bichimi A3. Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.
Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Zangiota tumani hokimligi Telegram kanali

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Navbatchi: Hasan SA’DULLAYEV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi 5000. Buyurtma № G-114.

ISSN 2181-61820